Ушбу сонда:
2 ТАДБИРКОР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА
3 Ислоҳот йўлидаги юв ФЕРМЕРНИНГ ҲАҚЛИ ТАЛАБИ
4 ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ КУРАШАЙЛИК!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 сентябр, жума № 127 (774)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САЙЛОВ ВА МАТБУОТ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Олий Мажлис депутатлигига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин бошланиб кетди. Сайловларни демократик тамойилларга қатъий риоя этган ҳолда қонунийлик, адолатлилик, ошкоралик ва холислик асосида ташкил этиш ва уюшкоклик билан ўтказиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир.

Марказий сайлов комиссияси шуни эътиборга олиб Матбуот маркази ташкил этди. Тошкент шаҳридаги Миллий матбуот маркази биносида жойлашган ушбу марказ халқаро андозалар даражасида жиҳозланган бўлиб, унда республика ва хорижий мамлакатлар журналистлари сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан исталганча маълумот олиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, махсус хужжатлар, кутубхона, компьютер тизими ва халқаро телефон алоқа тармоқларидан фойдаланиши учун барча шароит яратилган.

Бу ерда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган илк матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов сўзга чиқиб, сайловларга тайёргарлик борасида қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири

ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Қирғизистон жанубидаги вазият танглигича қолмоқда

Жиноий тўдалар Қирғизистон ҳудудига дастлаб август ойининг бошида бостириб кирган эди. 20 кишидан сал ортиқ бўлган диверсиячи-террорчилар гуруҳи 5 кишини гаровга олиб, Ўзбекистон ҳудудига тўсиксиз ўтиш имконини яратиб бериш ҳақида шарт қўйди.

Шу пайтдан бошлаб минтақадаги вазият тобора кескинлаша борди. Тожикистон ҳудудидан Ўш вилоятининг Боткент ва Чўн-Олой туманларига янги-янги диверсион террорчилар гуруҳи кириб кела бошлади.

Жиноятчилар диверсия-террорчилик фаолиятининг энг синалган усулларини қўлламоқда. Улар кўприклар, мактабларни портлатмоқда, маҳаллий аҳолига зўравонлик қилмоқда. Ўнлаб кишини гаровга олган. Гаровга олинганлар орасида Японияниг 4 фуқароси, Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар қўмондони бор.

Кейинги воқеалар ривожи таҳлили гап айрим диверсион, террорчилик ҳаракатлари устида эмас, экстремистик кучлар, бир қанча ислом давлатларининг минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, Марказий Осиё давлатларига террорчилик ва диний экстремизмни олиб киришга қаратилган изчил, муайян мақсадга йўналтирилган бузғунчилик фаолиятида эканини кўрсатмоқда.

Қирғизистонда ўрнашиб олган жангарилар, уларнинг ортида турган экстремистик кучлар, шу жумладан Афғонистон Ислом Давлати ва Тожикистон Республикасидаги ана шундай гуруҳлар ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасида зиддият келтириб чиқариш учун таянч нуқталари, лагерлар, плацдармлар барпо этиш учун ўзаро мувофиқлаштирилган босқинчилик ҳарбий ҳаракатларини, Ўзбекистоннинг ўзида ҳамда Марказий Осиёдаги бошқа давлатларда диверсион-террорчилик ва бузғунчилик ишларини амалга оширмоқда.

Шу нарса аниқландики, жангариларнинг ҳаракат йўналишлари, уларнинг база ва лагерларининг жойи илгаридан, сўнгги 2-3 йил мобайнида белгилаб олина бошланган.

Жангариларнинг бузғунчилик фаолияти миқёсининг тобора кенгайиб бориши ҳам эътиборни тортади. Боткент туманига бостириб кирган жиноятчилар тўдаси дастлаб 21 кишидан иборат бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, Боткент ва Чўн-Олой туманларида энг замонавий қуролларга эга, Афғонистон, Тожикистон ва Чеченистондаги турли террорчилик марказларида тайёргарлик кўрган жангариларнинг сони, турли маълумотларга қараганда, 400 дан 700 кишигача етади. Улар чиқиш қийин бўлган тоғли жойларга ўрнашиб олиб, Қирғизистон жанубидаги стратегик жиҳатдан муҳим аҳоли пунктларини /Зардоли, Кўрғон, Ҳожи Очган, Янги Довон ва бошқаларни/ назорат қилиб турибди.

Қирғизистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган жиноятчи тўдалар таркибида Қирғизистонга Тожикистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиб олган турли миллатга мансуб ёлланган шахслар: тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар, покистонликлар, араблар, афғонлар жанг қилаётгани ҳақида ишончли далиллар бор.

Шундай қилиб, Тожикистон ва Қирғизистоннинг бир қанча мансабдор шахсларининг /Тожикистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби З.Саидов, Қирғизистон Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғи Н.Чомоев ва бошқаларнинг/ Боткентда «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш ташкилот жангарилари жанг қилаётгани, уларнинг асосий мақсади диверсия ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб, вазиятни издан чиқаришдан иборат экани ҳақидаги баёнотлари ҳақиқатга тўғри келмай қолди. Қирғизистон ҳамда бошқа бир қанча мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари бу фикрларга ёпишиб олиб, жамоатчиликка қирғизлар бошига ёпирилган барча «қулфат» мана шу «ўзбек муаммоси»дан келиб чиқмоқда, деган фикрни сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Аммо, бугун шу нарса равшан бўлдики, бандитизмнинг миллати йўқ, жангарилар гуруҳларининг кейинги «байналмилалашуви» Тожикистонда ва Қирғизистон жанубида халқаро терроризм марказининг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, минтақанинг барча давлатлари ва МДҲнинг бошқа давлатларига жиддий ва бевосита хавф туғдиради. Мазкур стратегиянинг ғоявий йўлбошчиларида шундай фикр туғилдики, Қирғизистоннинг амалда муҳофазасиз, чегара ёки бошқа ҳарбий қисмлар томонидан қўриқланмаётган Ўш ва Жалолобод вилоятлари улар учун ўзларининг узоққа мўлжалланган режаларини осонгина амалга ошириш, энг аввало, диний экстремизм, терроризм ва наркобизнесни ёйиш учун ниҳоятда қулай база бўлиши мумкин.

Қирғизистон ва Доғистондаги жангарилар гуруҳлари хатти-ҳаракатларининг тактикаси, шакли ва усулларини солиштириш, воқеаларнинг деярли бир пайтда бошланиши, уларнинг раҳнамоларининг ғоявий қарашлари бир хил экани ва бошқа кўплаб объектив омиллар экстремистик кучларнинг МДҲ ҳудудининг турли минтақаларида, энг аввало, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёда кенг кўламли, мувофиқлаштирилган «хужуми»дан далолат беради.

Олинаётган маълумотлардан кўринадики, «Боткент муаммоси» сурункали шакл касб этмоқда ва унинг оқибатларини олдиндан аниқ айтиш қийин.

Юзага келган шароитда шу нарса аён бўлдики, Қирғизистон раҳбарлари радикал ислом гуруҳлари туғдираётган хавф-хатарга етарлича баҳо бермаган ҳамда жангариларнинг босқинчилигига муносиб жавоб қайтаролмаган. Қирғизистон раҳбариятининг диний экстремистик оқимлар хавфи ҳақидаги мавҳум баёнотлари ҳам шундан далолат беради.

Ҳукуматнинг тегишли чора-тадбирларни амалга оширмаётгани ва Қирғизистон ҳарбий тузилмаларининг жангарларни йўқ қилиш борсида аниқ режа ишлаб чиқиб, уни муваффақиятли амалга оширишга қодир эмаслиги республикада кенг жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Қирғизистон жамоатчилиги ҳукумат раҳбаридан мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлиги тажовуз қилган террорчилик ҳаракати туғдираётган хавфга қарши кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб этмоқда. Бу

(Давоми 2-бетда)

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ БАРЧАСИ МЕДАЛ БИЛАН ҚАЙТДИ

Японияниг Осака шаҳрида сумо кураши бўйича тўртинчи Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда ўн давлат спортчилари иштирок этди. Ўзбекистонлик полвонлар - Шокир Тўраев, Дмитрий Каминский ва Шуҳрат Хўжаев шулар қаторида эди.

Ўзбекистонлик барча спортчилар медал билан қайтди. 85 килограмм вазндаги Шокир Тўраев кумуш, 115 килограмм вазндаги Дмитрий Каминский бронза медалини қўлга киритди. Мутлақ оғир вазн тоифасида беллашган Шуҳрат Хўжаев ҳам учинчи ўринни қўлга киритди.

Ўзбекистонликлар команда ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди.



ХАДИЧА ИБРАТИ

Мана, икки йилдирки, Қизилтепа туманидаги «Бўстон» қўрғони Тошпўлат номли маҳаллада «Хадича» миллий ҳунармандчилик хусусий фирмаси (суратда) фаолият кўрсатмоқда. Фирма зардўзлик, каштачилик, тикувчилик, пойабзал, қандолатчилик, ёғоч ўймакорлиги каби бир қанча миллий ҳунармандчилик турлари билан шуғулланиб келмоқда. Жамоада етмиш тўрт нафар киши ишлайди. Уларнинг кўпчилиги аёллар.

Хадича опа республика тадбиркорларининг «Ташаббус» кўригида 1997-98 йилларда қатнашиб, вилоятда ғолиб бўлди. Яқинда республика миқёсида ўтказилган «Фаол аёл» танловида эса иккинчи ўринни эгаллади.

Хадича опанинг орзулари бисёр. Бу тадбиркор аёл бугунги доруломон кунлардан, ишлаш, яратиш учун мавжуд бўлган имкониятлардан мамнун. Зеро, кишилар учун, юрт учун меҳнат қилган киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Буни эса Хадича Воҳидова ва у меҳнат қилаётган жамоа жуда яхши билади.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

МАРАЗ

Ставропол ўлкасининг нўғайлар истикомат қиладиган шаркий қисмида бундан бир неча йил бурун Доғистонда кузатилган ҳодисани эслатувчи жараён юз бермоқда. Бу ерда Чеченистондаги мусулмон оламининг ўта радикал ваҳобийлар оқимига мансуб жангарилар тайёрланаётган лагерларини битириб чиқаётганлар аста-секинлик билан йиғилмоқда.

Бугунги кунда Ставропол ўлкасидаги ваҳобийлар сони юзга яқин кишини ташкил этади. Махсус хизмат маълумотларига қараганда, нўғай миллатига мансуб тахминан 50 нафар ваҳобий Басаев билан Хаттабнинг Доғистонга қилган босқинчилик юришида иштирок этган. Ставрополлик нўғайлар бунинг учун дастлаб Чеченистонга ўтиб, жангариларнинг байналмилал отрядларига қўшилган. Ставропол ўлкасида истиқомат қилаётган, исломнинг мазкур оқимига мансуб яна шунча киши ўз элатдошларининг етакчи гуруҳига қўшилишга ҳаракат қилган, аммо турли сабабларга кўра, ниятларига эриша олмаган. Жангарилар тўдасига қўшилганлар ҳам, қўшила олмаганлар ҳам ўз вақтида Чеченистон ҳудудидаги жангариларни тайёрлаш курсларида тайёргарликдан ўтган, Ставропол ўлкасида эса қулай фурсатни кутиб, захирадагилар сифатида истиқомат қилган.

Ставропол ўлкасидаги ваҳобийлар Доғистондагига қараганда кам, албатта. Бироқ улар ўз мақсадига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Улар қўлга киритган дастлабки «ютуқ» - нўғайлар истиқомат қилаётган йирик аҳоли пунктларидаги бир қанча масжид устидан назорат ўрнатиш бўлди. Уларни анъанавий ислом тарафдорлари, лекин ҳозир масжидларга бормай қўйган кекса кишилар мутлақо қизиқтирмайди. Улар ёшларни йўлдан оздириш билан банд.

Уларнинг кирдикорлари ҳам Доғистонда юз бераётган воқеаларни эслатади. Ставропол ўлкасидаги ваҳобийлар ўрнашиб олган жойларда бундан бир ярим йил муқаддам Кавказдан русларни йўқотиш ҳақидаги талаблар баён этилган варақалар пайдо бўлган эди. Кейинчалик ўлканинг шарқий қисмидаги экстремистларнинг изи жангариларнинг Доғистоннинг Бўйноқ шаҳридаги ҳарбий қисмига бўлган хужумида ҳам акс этди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Ставропол ўлкасидаги диний экстремистларнинг бирортаси ҳам ўз қилмишига яраша жазо олгани йўқ. Қидирув эълон қилинган жиноятчилар Чеченистон чегарасида жон сақлаб юрибди. Ўлкада ўтган йили миллий нафрат уйғотишга даъват этувчи варақалар тарқатиш бўйича қўзғатилган учта жиноий иш на варақа муаллифларини ва на уни тарқатувчиларни топиш имконини берди.

Бу борада ўлка маъмурияти томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар мутлақо етарли эмас. Ҳокимиятнинг қўли калталигини зарур қонуний имкониятларнинг етишмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунки ваҳобийлик қонун томонидан экстремистик оқим сифатида таъқиқлаб қўйилмаган. Бунинг устига, прокуратура ходимларининг фикрича, ҳатто Чеченистондаги жангарилар тайёрланадиган лагерларнинг битирувчилари ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Амалдаги қонунчиликка биноан, бунинг учун етарли юридик асос йўқ. Кимнинг қаерда, нимадан сабоқ олганини исботлашнинг иложи йўқ эмиш.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўлка ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи генерал-майор Николай Мамонтовнинг гапига қараганда, ҳозир Чеченистонда қўшни ҳудудларга куролли юришлар қилиш вазифаси юкланган нўғай жангариларидан иборат полк тузилмоқда. Генералнинг айтишича, мазкур полкда Ставропол ўлкаси қишлоқларидан келган кўнгиллилар ҳам бор.

ЖАҲОНДАГИ БАРЧА ВАҲОБИЙЛАРНИНГ ТАКТИКА ВА СТРАТЕГИЯСИ БИР ХИЛ

Бундай жараёнлар Ставропол ўлкасидагина эмас, бир қанча қўшни минтақаларда ҳам юз бермоқда. Мутахассислар Астраханда бир неча йилдан буён ислом динини қабул қилган славян ва арманиларни ўз сафига фаоллик билан жалб этаётган имом Айюб раҳбарлигидаги ваҳобийлар тўдаси бемалол ва очиқдан-очиқ фаолият кўрсатиб келаётганини жуда катта хавф сифатида эътироф этмоқда. Жиҳод масаласида Айюбнинг тўдаси, ҳатто ваҳобийлардан ҳам ўтиб кетмоқда, бундан ташқари, у ваҳобийликни энг фаоллиги ва тарғиботчи экани билан ҳам фарқ қилади. Айюб бошқа ваҳобий имомлар сингари, бундан ўнлаб йиллар бурун Жазоирни исломийлаштириш жараёнида ишлаб чиқилган, у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам қуйган каллакесарларни ўз тўдасига тортиш тактикасини қўллайди, тарғибот ишлари эса мусулмонлар истиқомат қиладиган жойларда, асосан қишлоқ ва хароб қишлоқларда олиб борилади. Оила бошлиғи ўз ўғлини ваҳобийлар мадрасасида ўқишга юбориши учун унга юз доллар берилса бас. Ташқаридан олинаётган садақалар эвазига кун кўраётган ваҳобийларнинг минтақавий марказлари маблағи ҳисобига масжидлар (Махачқалъа, Астрахан, Хасавюрт, Бўйноқ, Майкоп ва бошқа шаҳарларда), мадрасалар ҳамда ёш толиблар (шогирдлар) ҳарбий тайёргарлик кўрадиган «ёзги лагерлар» қурилмоқда. Ҳарбий тайёргарликнинг асосий базалари Чеченистонда. Албатта бу муаммонинг асосий сабаби - Чеченистон ҳудудининг федерал ҳокимият назоратига бўйсинмаётгани муаммосини кескин ечиш билангина ҳал қилинмаётганида. Айни пайтда жаҳонда тобора авж олаётган ислом фундаментализми сингари нохуш жараён Ғарбий Европада (асосан Францияда) маҳаллий араб ва турк аҳолисини «ваҳобийлаштириш»да Шимолий Кавказдаги усуллар қўлланилмоқда.

Евгений КРУТИКОВ.
(«Известия» газетасининг 1999 йил 4 сентябр сонидан)

ЧЕГАРАЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМ

Фарғона вилояти Қувасой шаҳри Қирғизистон Республикасининг Қадамжой тумани билан бевосита чегарадош. Ташвишли воқеалар содир бўлаётган Чўнг-Олот туманига борадиган ягона йўл ҳам шу ердан ўтади.

Айни кунда Қувасой шаҳри Ички ишлар бўлинмаси ходимлари ички қўшинлар аскарлари билан ҳамкорликда Қирғизистоннинг жанубий ҳудудлари билан чегарадош барча йўлларни назорат қилиб турибди. Асосий ва тармоқ йўлларда, шунингдек сўқмоқларда мўқим ва ёрдамчи назорат постлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тинч аҳолининг чегарадан ўтиб-қайтишига тўсиқ йўқ.

Чегарада турган аскарларимизнинг руҳи тетик, улар хизматни аъло даражада ўташлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Асосий йўлларни назорат қилиб турган «Полмон» ва «Носиробод» чегара постларининг посбонлари нафақат ўзбекистонлик, балки қирғизистонлик фуқароларнинг ҳам осойишталигини сақлаб турибди, дейиш мумкин.

- Биз аввало ўзимизнинг халқимизга ишонамиз ва суянамиз. Чунки аҳоли бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турмаса, барча саъй-ҳаракатларимиз натижасиз кетиши мумкин,- дейди милиция кичик сержанти Абдуқодир Усмонов. - Чегарадан ўтмоқчи бўлган шубҳали шахсларни аниқлашда оддий фуқаролар яқиндан ёрдам бермоқда. Юртимиз тинчлигини бузишни истаган диний экстремистлар ва уларнинг ҳомийлари халқимиз орасидан ўзларига ҳамфикр тополмаслигига ишончим комил. Бинобарин, ёвуз кимсалар хомтамо бўлмасинлар, улар қабиҳ ниятларини ҳеч қачон амалга оширолмайдилар.

(ЎзА)

БОТКЕНТ ВОҚЕАЛАРИ:

УМУМИЙ ХАВФГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ ЛОЗИМ

Қирғизистон жанубидаги Боткент туманида юз бераётган воқеалар оммавий ахборот воситаларида кенг мухокама қилинмоқда. Юз бераётган воқеалар аҳоли ўта тиғиз яшайдиган Фарғона водийси билан бевосита чегарадош жойларда салбий оқибатлар келтириб чиқариши башорат қилинаётган хабар ва мақолалар ҳам йўқ эмас. ЎзА мухбирлари мазкур воқеаларнинг минтақамиз давлатларига таъсири хусусида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Х.Турсунов билан суҳбатлашди.

- Августнинг охирларида Тожикистон ҳудудида жойлашган бир гуруҳ халқаро террорчилар Қирғизистон чегарасини бузиб, Боткент туманидаги бир нечта қишлоқларни эгаллаб олди. Тинч аҳоли ва ҳуқуқ-тартибот ходимларидан, шунингдек 4 нафар япон геологини таржимони билан гаровга олди. Бу босқинчилар ким ўзи деган савол кўпчиликни қизиқтиради. Уларнинг аксарияти ўз мамлакатида турли жиноятлар содир этиб, қонундан қочиб юрган жиноятчилардир. Мазкур қўпорувчилар орасида тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар, араблар, афғонлар, покистонликлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар ўзларича турли баёнотлар бераётган бўлса ҳам, аслида фақат тинч одамларни гаровга олиш, Марказий Осиё республикаларининг конституциявий тузумини ағдариш, одамлар орасига нифоқ солиш билан банд, холос.

Ҳозир Қирғизистон куролли кучлари бу қўпорувчилар тўдаларини тугатиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Тўғри, кўп ишлар кечроқ бошланди. Аввало, қирғиз дўстларимиз Ўзбекистон билан чегарадош туманларда тинчлик барқарор эканлигини эътиборга олиб, бу ҳудудларда илгари айтарли катта кучларни сақламаган. Натижада, нотинчлик бошланганда жангариларга жиддий қаршилик кўрсатадиган ҳарбий кучлар етишмай қолди. Босқинчилар ҳам буни билган ва шу вазиятдан фойдаланиб қолишга уринган. Лекин бугунги кунга келиб вазият кескин ўзгаргани ҳақида хабарлар олмоқдамиз. Қирғизистоннинг бу ҳудудлардаги қўшинларига яхшигина мадад етиб келди. Ҳозир улар жангариларни барча йўналишларда қисиб қўйган. Қирғизистон аҳолиси ҳам ўз ҳукуматига катта ёрдам бермоқда. Бу тоғли ҳудудларда аҳоли оз бўлгани учун халқ бир-бирини яхши танийди, бинобарин, бегоналар дарров билиниб қолади. Жангариларнинг тоғлардан тушиб Фарғона водийсига кириш эҳтимоли ҳақида гапираётган айрим хорижий матбуот воситалари бизнинг чегараларимиз мустаҳкам эканлигини билиб қўйишса ёмон бўлмасди. Чегараларни нафақат чегарачилар, балки аскарларимиз, ички ишлари ходимлари, қоловерса, халқимиз қўриқлаб турибди. Тинч кунларнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини яхши тушунган халқимиз юрт посбонларига ҳар томонлама мадад бермоқда.

- Халқаро террорчилар тўдаларини тугатишда Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг ўзаро алоқалари қандай йўлга қўйилган?

- Алоқаларимиз қонуний асосда йўлга қўйилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ерда учта қўшни давлат чегараси туташган. Вазият жиддийлаша бошлаган вақтларданоқ ҳар икки давлат - Ўзбекистон ва Қирғизистон мудофаа вазирликлари ўртасида қалин алоқалар ўрнатилди. Қирғизистон армиясининг жиноятчиларни тугатиш операцияларида ҳаводан ёрдам эҳтиёжи туғилган вақтда бизнинг ҳарбий ҳаво кучларимиз уларга ёрдамга келди. Қирғизистонлик ҳарбийлар кўрсатиб берган нишонлар ҳаводан бомбардимон қилинди. Лекин қуруқликдаги қўшинларимиз Қирғизистон ҳудудида йўқ.

Маълумки, Ўш шаҳрида чегарадош давлатлар ташқи ишлар, мудофаа, хавфсизлик вазирликларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ўша ерда масалани биргаликда ҳал қилиш йўллари хусусида фикрлашиб олинди, аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Яъни, муносабатларимиз тобора қалинроқ бўлиб бораётир. Қирғизистон ҳукумати муаммони ўз жойида ҳал этишга қаттиқ қарор этган. Чунки бу низо ҳозирги кичик ҳудуддан чиқса, унинг оқибатлари барча Марказий Осиё давлатларига бирдай салбий таъсир этиши мумкин. Шу боис, Қирғизистон томонига ҳар томонлама мадад бермоқдамиз.

- Тожикистон томони ўз чегараларини ёпишнинг қийинлиги ҳақида гапирмоқда. Сиз ҳарбий мутахассис сифатида бу гапларни нечоғли асосли деб ўйлайсиз?

- Хавфсизлик ҳақида гап борганда, аввало чегараларни мустаҳкамлаш, кириш - чиқиш йўлларини қаттиқ назорат остига олиш лозим. Чунки бу халқаро террорчи тўдалар нафақат Қирғизистон ва Ўзбекистон, балки, энг аввало Тожикистоннинг ўзи учун катта хавф манбаидир. Мамлакатнинг тинчлиги, эл-нинг осойишталиги, юртнинг келажагини таъмин этиш масаласи кўндаланг турган пайтда қўлдан келган ҳамма ишни қилиш лозим ва мумкин. Мен ҳарбий киши сифатида чегараларни қаттиқ назорат остига олиш мумкин, деб ўйлайман. Хавфсизлик ҳақида гап кетар экан, бор кучни чегарани мустаҳкамлашга жалб этиш лозим. Таъкидлаш жоизки, бугунги вазият минтақамиз давлатлари биргаликдаги саъй-ҳаракати билангина умумий хавфни бартараф этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Суҳбатдошлар: Мусулмон НАМОЗ, Расулжон КАМОЛОВ, ЎзА мухбирлари.

Газетхон илтимосига кўра

Мустакилликка эришгач, жамиятимиз тараккиётини бозор иктисодиёти асосида ривожлантиришга ўтилди. Бунда фукароларимизнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари эътиборга моликдир. Шу боис, фаолиятнинг ушбу тури билан банд бўлган кишилар номидан ўзларининг хукукий химояси тўғрисида маълумот олишни истаб, тахририятга мактуб йўллашибди. Куйида шуни инобатга олиб, Тошкент Давлат юридик институти хузуридаги хукукий-тарғибот ва маърифат Марказининг тавсияси билан олийгох ўкитувчиси Темур Мўминов хамда республика прокуратураси прокурори Абдуғофур Эргашев маколасини эътиборингизга хавола этамиз.

ТАДБИРКОР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Халқимиз азал-азалдан тадбиркор халқдир. Бу исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Чунки ота-боболаримиз ҳар қандай тадбиркорликни ўз ўрнига қўйганликлари тарихдан бизга яхши маълум. Аммо, кўп вақт мобайнида тадбиркорлик бошқача талқин қилиниб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялайдиган қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмади.

Юртимизда мустақиллик шабадалари эса бошлаган кунларданоқ давлатимиз томонидан тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди ва илк бор 1991 йил 15 февралда «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунда асосан тадбиркорларнинг иқтисодий, ҳуқуқий мустақиллиги ҳамда масъулиятлари белгилаб берилди. Шунингдек, ҳар бир тадбиркор ўз ҳуқуқидан эркин ва мустақил фойдаланиши, қонун олдидаги ўз бурчини беками кўст бажариш, ғайриқонуний ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги масалалар кўзда тутилган. Тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари ҳақидаги масала ушбу қонунда етарли даражада ўз аксини топмаганлиги сабабли улар ҳар хил тазйиқларга дуч кела бошлади. Бундай тўсиқларнинг пайини қирқиш мақсадида 1999 йил XIV апрелда Олий Мажлиснинг 14-сессиясида «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда тадбиркорлар ўз фаолиятларини ҳар томонлама эркин намоён қилишининг кафолатлари тўлалигича ўз аксини топган.

Қонун ўз моҳиятига кўра бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда умумий қоидалар, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, якка тартибдаги тадбиркорлик хусусиятлари, тадбиркорликни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари каби боблардан иборат. Ушбу қонун қабул қилингунга қадар тадбиркорлик тушунчаси аҳоли ўртасида ҳар хил талқин қилинарди. Ана шу масала қонуннинг 3-моддасида жуда аниқ кўрсатиб берилган, яъни тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан тавакка қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият дейилган. Қонунга бундай қоиданинг киритилиши шарофати билан мавжуд ҳар хил ноаниқликларга чек қўйиладиган бўлди.

Қонуннинг 4-моддасида эса тадбиркорлик фаолияти юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан, чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектларидир, деб аниқ кўрсатилган. Бу билан тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари кимлар бўлади, деган саволга ўрин қолмайди. Ушбу қонуннинг тегишли моддаларида, давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кредитлар бериш ва уларни суғурта қилиш каби муҳим масалалар ҳам ўз аксини топган. Қонунда бундай қоидаларнинг белгиланиши тадбиркорларга куч ва ғайрат бағишлайди. Айниқса, шу пайтгача муаммо бўлиб келаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш масаласи Қонуннинг 13-моддасида таъкидланишича, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш режали тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколатли органнинг қарорига асосан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин, дейилган. Қонунда бундай қоиданинг белгиланиши ҳар хил ташкилотлар томонидан тадбиркорлар фаолиятини турли хил важларни рўкач қилиб, текшир-текширларга чек қўйиш билан бирга уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланиб, мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу модданинг 2-бандида эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўла ҳажмда тўлаб турадиган, аудитор (аудиторлик фирмаси)нинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг бошқа норма ва қоидаларига риоя этадиган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилиши белгиланган.

Қонуннинг 14-моддасида белгиланишича, якка тартибдаги тадбиркорлик шахсий тадбиркорлик (бир шахснинг тадбиркорлиги) ва биргаликдаги тадбиркорлик (шахслар гуруҳининг тадбиркорлиги) турларига бўлинади, деб кўрсатилган. 31-моддада тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш тартиби белгиланган. Унга кўра, тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни (шу жумладан, чет эл инвестицияларини), замонавий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш, шунингдек бозор инфратузилмаси институтларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш орқали тадбиркорлик фаолияти субъектларининг экспорт-импорт операцияларида, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришда иштирок этишни кенгайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш орқали;

- тадбиркорлик фаолияти субъектлари самарали фаолият юритиш учун уларни зарур ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборотлар билан таъминлаш орқали;

- солиқлар, йиғимлар ва тарафлар бўйича имтиёзлар белгилаш орқали ва бошқа шаклларда амалга оширилади, деб белгиланган. Буни давлатимиз томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик деб қабул қилишимиз керак.

Қонуннинг 33-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорликни рағбатлантириш соҳасидаги ваколатлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади ва рўёбга чиқаради, тадбиркорлар фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилайди ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун маҳаллий солиқлар, йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайди ва бошқа ваколатларни амалга оширади, деб аниқ кўрсатиб берилган. Қонунда бундай қоидаларнинг белгиланиши тадбиркорларга қўшимча имкониятлар яратади.

Шунингдек, қонуннинг 40-моддасида тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик кафолатлари белгиланган бўлиб, унга кўра, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас, деб қатъий кўрсатилган.

Қонуннинг 43-моддасида қўшимча кафолатлар белгиланган. Унинг якунловчи боби тадбиркорлик субъектини тугатиш (фаолиятини тугатиш), низоларни ҳал этиш тартиби ва тадбиркорлик ҳамда тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларига бағишланган.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, ушбу қонун республикамизнинг иқтисодий ривожи ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун хизмат қиладиган ҳужжатдир.



ЎЗ ИШИНИНГ УСТАЛАРИ

Сирдарё туман автомобиллар йўллари бошқармасига қарашли корхона Сирдарёдан ўтган йирик автомобил магистрал йўлларига керакли асфалтларни тайёрлаб беради.

Корхонада 39 нафар ишчи ва мутахассис ишлайди. Улар талабга биноан асфалт ишлаб чиқаришади. Шу кунларда пойтахтни турли вилоятлар билан боғловчи бетон йўл таъмирламоқда. Асфалт учун керакли бўлган қум ва шағал Чиноздаги карердан олинмоқда. Меҳнатсеварлар қишга тайёргарлик ишларини ҳам кенг кўламда олиб боришмоқда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Фармон ва ижро

Мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш янги жараёнга кирди. Президентимиз эътироф этганларидек, биз эндиликда мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш йўлидан бораяпмиз.

Бундан максад хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда мулкдорларнинг мавкеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашдир.

НОЎРИН АРАЛАШУВЛАРГА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК

Давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашувни чекламай туриб бунга эришиш мумкин эмас. Шу маънода Президентимизнинг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони талаблари ижроси муҳим аҳамият касб этади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Ўзнефтгаз» назорат инспекцияси вилоят нефт назорат бўлими ушбу Фармон асосида қандай ишларни амалга оширмоқда? Прокуратура идоралари томонидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишларда асосий эътибор шунга қаратилди.

Аниқланишича, 1999 йилнинг биринчи чорагида вилоят солиқ бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан жами 1837 та хўжалик юритувчи субъектларда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши бўйича текширишлар ўтказилиши режалаштирилган. Ҳақиқатда эса мазкур текширишлар 1255 та хўжалик субъектларида ўтказилган. Бевосита вилоят солиқ бошқармаси томонидан бу даврда қолган хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказилмай қолган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бошқарма тизимида республика Президентининг юқорида қайд қилинган Фармони талабларига зид равишда режада кўрсатилмаган ва тегишли рухсатсиз текширишлар ўтказилган. Жумладан, буни Ғиждувон туманидаги «Умид-92» хусусий фирмаси мисолида кўриш мумкин. Туман Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг жорий йилнинг феврал ойида бу ерда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган текширишлари камлик қилган кўринади. Шу боис туман давлат солиқ инспекциясининг 1999 йил 14 апрелдаги буйруғига асосан ушбу идора ходимлари А.Шарипов ва Н.Раҳматовлар мазкур фирмада такроран текширишлар ўтказишган. Республика ва вилоят назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг рухсати йўқлиги ҳам уларни асло қизиқтирмаган.

Мазкур инспекция жорий йилнинг март ойида «Ипак йўли» хусусий фирмасига қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасида ҳам худди шундай йўсинда иш тутган. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор ходимларни тегишли интизомий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилди. Туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг 25 май куни вилоят давлат солиқ бошқармаси номига тақдимнома киритилди.

Бундай ҳолатларни Тўқимачилик туман давлат солиқ инспекцияси фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Тумандаги «Бухороуйқури-лиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли хўжалик ҳисобидаги қурилиш бошқармасида ўтказилган текширишларга эътибор беринг. Унда жорий йилнинг 20 январида текширишлар ўтказиш белгиланган. Хўжалик юритувчи субъектлар, хусусий фирма, корхоналар фаолиятини текширишда мувофиқлаштирувчи Кенгаш рухсати олингач, унда белгиланган тартиб ҳамда муддатларга амал қилиниши шарт. Бироқ, мазкур текшириш 29 январда бошланиб, 8 февралда якунланган. Бунда Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тасдиқлаган тартиб талаблари бузилган. Худди шундай «Селкомплект» корхонасида жорий йилнинг 1 январидан 29 январигача текшириш ўтказилиши режалаштирилган бўлсада, у 29 январдан бошланиб, 8 февралда тугалланган. «Эркин-КО» шахсий савдо ишлаб чиқариш фирмасида эса 1999 йил 29-30 январ кунларида иш режасига кўра текшириш ўтказиш белгиланмаган ҳолда асоссиз равишда ва Кенгаш рухсатини олмасдан ишга киришилганлиги маълум бўлди. Бундай ўзбошимча фаолиятни вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли «Тибтаъминот» корхонасида ҳамда «Вигас» қўшма корхонасида ҳам кўриш мумкин.

Пешку туман давлат солиқ инспекцияси ходимларининг тўраларча фаолиятини ҳам қайд этиб ўтишкерак. Тумандаги «Шоҳруд» Агротеххизмат корхонасида, «Эшонобод» кичик корхонасида, «Саддам» фирмасида солиқ қонунчилиги бўйича ўтказилган текширишлар юқоридаги Фармон талабларига мутлақо зиддир. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ўрнига туман назорат органлари ишини мувофиқлаштириш ҳудудий Кенгаши нима билан шуғулланган экан?!

Текшириш натижасига кўра, вилоят прокуратураси томонидан жойлардаги давлат солиқ инспекциялари фаолиятида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида вилоят давлат солиқ бошқармаси номига тақдимнома киритилиб, вилоят ҳокими номига ахборотнома юборилди.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг қуйи тизимларида ҳам Республика Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони талабларига тўла амал қилинмаганлиги аниқланди. Жумладан, Когон шаҳар, Зиробод кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг атроф-муҳит зарарланаётганлиги хусусидаги шикоят аризаси Республика давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 1999 йил 26 январ куни вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига текшириш учун юборилган. Қўмита аризада кўрсатилган муаммони ҳал этишда ташаббускорлик кўрсатишга шошилган кўринади. Шу боис вилоят назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш рухсатини олмасдан бир қатор назорат органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда режасиз текшириш ўтказилган.

Қўмита томонидан Олот туманидаги сув хўжалиги бошқармаси ва Когон туманидаги 409-сонли қўшма механизациялашган колоннасида 1999 йилнинг 1 январидан 30 январига қадар комплекс текширишлар ўтказиш режалаштирилган бўлса-да, ҳақиқатда эса улар белгиланган муддатидан анча кейин, Олот тумани сув хўжалиги бошқармасида 18 февралда, юқоридаги қурилиш ташкилотида эса 9 февралда ўтказилган. Фармон талабларига мутлақо амал қилинмаган.

Худди шундай ғайриқонуний ҳолатларнинг Пешку, Жондор туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси фаолиятида ҳам тез-тез кўзга ташланаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Вилоят прокуратура идоралари томонидан ушбу йўналишда ўтказилган текшириш натижасига кўра қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 6 та тақдимнома, 8 та амрнома киритилди. Уч киши маъмурий, 4 киши интизомий жавобгарликка тортилди. Ғайриқонуний қарорларга нисбатан 9 та протест киритилди. Тегишли раҳбарларга 4 та ахборотнома юборилди.

Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатимизда Конституцион, ҳуқуқий асослар яратилди. Одамларимизнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгарди. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида эркинлаштириш йўли асосий йўналиш сифатида белгилаб олинган.

Шундай экан, хўжалик юритувчи субъектлар, хусусий корхона, фирмалар фаолиятига турли текширувчи, назорат қилувчи органларнинг ноўрин аралашувига чек қўйиш вақти етди.

Фаолиятда ташаббускорлик кўрсатиб, эркинлаштириш йўлида муваффақиятли одимлаётган тадбиркорлар, меҳнат жамоалари манфаатларини ҳимоя этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, аниқса прокуратура идоралари ходимларининг асосий вазифаси бўлиб қолади.

Рамазон ПЎЛАТОВ,
Бухоро вилоят прокурори,
Адлия катта маслаҳатчиси.

ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Қирғизистон жанубидаги вазият танглигича қолмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҳақда жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳам гувоҳлик бермоқда. Хусусан, депутатлар Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россиянинг куч ва имкониятларини бирлаштириб, минтақадаги аҳоли хавфсизлиги ва тинчлигига таҳдид солаётган кучларга зарба бериш лозим деган фикрда.

Шуни қайд этиш лозимки, Қирғизистон жанубидаги танг ҳолатнинг вужудга келиши Тожикистонда кечаётган жараёнларнинг бевосита оқибатидир.

И.Раҳмонов бошчилигидаги ҳукумат томонидан ички вазиятни барқарорлаштириш, мамлакатни танг ҳолатдан олиб чиқиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Тожикистондаги ҳолат ҳам тобора кескинлашмоқда. Ихтилофлар, турли гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар кучаймоқда, жиноятчилик авж олмоқда.

Вужудга келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири - мухолифат қуролли кучларининг Тожикистон ҳарбий кучларига келиб қўшилиши жараёнининг тўлиқ тугалланмаганидадир. Бирлашган тожик мухолифати раҳбарияти жаҳон жамоатчилигига ўз ҳарбий бўлинмаларининг тарқатиб юборилгани тўғрисида баёнот берган бўлса-да, аслида ислом мухолифати Тожикистон Республикаси қуролли кучлари сафига фақат бир қисм жангариларини қўшган, улар ўз гуруҳларининг ихтиёрий равишда тўлиқ қуролсизланишини амалга оширмоқчи эмас.

Мавжуд маълумотларга кўра, бирлашган тожик мухолифатининг таниқли вакиллари ва ҳарбий командирлари, жумладан, Саид Абдулло Нурийнинг ўзи, республиканинг ҳукумат назоратидан ҳоли жойларида, жумладан, Тавилдара, Жирғитол туманларида ва умуман Гарм ва Қоратегин ҳудудида жойлашган ўзларига қарашли қуролли гуруҳларни дахлсиз сақлаб қолган. Ушбу бўлинмалар Душанбе расмий ҳукуматининг барча таъқиқларига қарамасдан, доим жанговар ҳолатда туради, озиқ-овқат ва бошқа моддий захиралар билан таъминланади.

Бирлашган тожик мухолифати Тожикистоннинг қонуний ҳукуматига қарши курашда иштирок этган ўзбекистонлик экстремистлар, жангарилар гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Ҳукуматнинг мазкур экстремистик гуруҳларни қуролсизлантириш ва уларни Ўзбекистонга топширишга йўналтирилган ҳар қандай уриниши бирлашган тожик мухолифатининг қатъий қаршилигига учрамоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар нафақат Тожикистон Республикасидаги қуролли зиддиятнинг янги босқичини бошлаб бериши, балки минтақадаги вазиятни издан чиқариб юбориши мумкин. Қирғизистон жанубидаги воқеалар бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги пайтда Қирғизистонда жанг қилаётган жиноятчи гуруҳларнинг кўпчилиги бирлашган тожик мухолифати томонидан тайёрланган. Ушбу отряд-лар фаолияти Қирғизистон билан чегарадош Жирғитол, Ҳайит аҳоли пунктларидан туриб бошқарилмоқда. Улар бирлашган тожик мухолифати назорати остидаги ҳудуддан қурол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминланмоқда. Диверсион-терроршилик тўдалари ортида афғонистонлик ҳомийлар ҳам турибди. Бирлашган тожик мухолифати етакчилари, жиноятчи тўдалар раҳбарлари «Толибон» ҳаракати билан ҳам мустаҳкам алоқада экани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳукумати юзага келган вазиятда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш бўйича кескин чора-тадбирлар кўрмоқда. Ўзбекистон қуролли жиноий тўдалар ҳужумига қарши курашда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ташаббуси билан чиққан эди. Шу йилнинг 28 августида, босқинчилик энг авжига чиққан пайтда Ўш шаҳрида минтақа давлатларининг ташқи ишлар ва ҳарбий вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш якунлари бўйича ҳарбий муассасаларнинг жиноий тўдаларга қарши самарали кураш олиб бориши бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмлари белгилаб олинди, Қирғизистон Мудофаа вазирлиги ҳузурида бирлашган оператив гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳга Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон вакиллари билан бир қаторда, Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг катта офицерлари ҳам киритилган.

Марказий Осиё минтақасида экстремизм ва терроризмга қарши биргаликдаги кураш, Қирғизистон жанубидаги муаммони ҳал қилиш масалалари мамлакатимизга ташриф буюрган Россия мудофаа министри И.Сергеев билан мулоқот пайтида муҳокама қилинди.

Қирғизистон томонининг илтимосига кўра, Ўзбекистон Ҳарбий ҳаво кучлари жангарилар тўпланган жойлар, стратегик коммуникацияларга муваффақиятли зарбалар берди. Бу зарбалар босқинчилик ёйилиб кетишининг олдини олишда самарали омил бўлди.

Ўзбекистонда давлат чегарасини ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга доир чоралар кўрилмоқда. Мамлакат Қуролли кучларининг қисм ва бўлинмалари, ҳарбий тузилмалари диверсион-террористик гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган ҳужумга қарши зарба беришга шай ҳолда турибди.

Мамлакатимз Президенти Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, Қирғизистон жанубидаги ҳарбий ҳаракатлар шунчаки терроризм ёки босқинчилик эмас. Бу - Марказий Осиё минтақасида кечаётган мураккаб жараёнларнинг натижасидир. Бу - халқаро экстремистик кучлар томонидан пухта ўйланган, Марказий Осиё давлатларида террорчилик ва босқинчилик йўли билан конституцион тузумни ўзгартириш, дунёвий демократик давлат қуришга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни издан чиқаришга йўналтирилган катта стратегиянинг бир бўғинидир.

Ўзбек халқининг «Қўшнинг тинч - сен тинч», деган мақоли бор. Ўзбекистон халқи ҳам хурсандчилик, ҳам синов дамларида ҳар доим Қирғизистоннинг матонатли халқи билан бирга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Жиноятчи тўдалар буни унутмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти бундан бир йил муқаддам ватанимизнинг мустақил ва жанговар чегара қўшинларини тузиш ва Ўзбекистон чегаралари қўриқланишини кучайтириш чора-тадбирларига доир қарор қабул қилгани тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хавфсизликни, мамлакат суверенитетини, мустақиллик ютуқларини ҳимоя қилиш - давлатнинггина эмас, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватанпарварнинг масъул бурчидир.

Ижтимоий ҳимоя

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида ҳам аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Мустақиллик байрами кунида туман ҳокими ўринбосарлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари кам таъминланган ногиронлар аҳволидан хабар олишди. 150 кишига 150 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 200 минг сўмлик кийим-кечак улашилди. 21 кишига махсус ҳассалар, 80 нафар боқувчисини йўқотган аёлларга 80 минг сўмлик совға-саломлар ҳадя қилинди.

Байрам куни «Мирзачўл» жамоа хўжалигидаги Бўтаевлар оиласида ҳоким ташаббуси билан никоҳ, Беруний номли жамоа хўжалигида кам таъминланган ишчи фарзандларига суннат тўйлари ўтказилди.

* * *

Туманда 4857 нафар пенсия ва нафақа олувчилар бўлиб, уларга ижтимоий суғурта маблағларидан 27 миллион 384 минг сўм харажат қилинмоқда. 8 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар бўлиб, улар белгиланган тўққиз турдаги маҳсулотлар билан узлуксиз таъминланмоқда ҳамда биркитилган корхона, хўжалик ва ташкилотлар томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириб турилибди. Байрам арафасида ногиронларга 1 дона аравача, 8 дона эшитиш аппарати, 10 дона қўлтиқтаёқ берилди. Шунингдек, имтиёзли пенсионерлардан 9 нафарига дам олиш уйлари ва сиҳатгоҳларга йўлланмалар улашилди .

* * *

Туманда аҳолига почта хизмати кўрсатиш ҳам кун сайин яхшиланмоқда. Пенсия пуллари, хат, бандерол, жўнатмалар эгаларига ўз вақтида етказилмоқда. 3100 нусхадаги газета-журналлар обуначиларга кечиктирмай етказилмоқда. Мавжуд 10 та алоқа бўлимида қўшимча фойда олиш мақсадида носоҳа хизмати кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Аҳолидан электр энергияси, газ, сув тўловларидан тушган миқдордан 5 фоизи фойда сифатида қолмоқда.

Газета-журналлар эркин сотуви намунали йўлга қўйилган. «Халқ сўзи», «Ишонч», «Ўзбекистон овози», «Оила ва жамият», «Туркистон», «Ҳуррият» газеталари айниқса, харидоргир бўлмоқда.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премқулов жавоб беради

Савол: Биз Денов агро-тижорат коллежида раҳбар ўринбосарлари лавозимида ишлаб келмоқдамиз. Агар ўқув йилининг ўн биринчи, ўн иккинчи ойларида меҳнат таътилига чиқмасдан ишласак, иш ҳақи қандай тартибда тўланади?

С.Умбаров,
Қ.Сайфиев,
И.Назаров.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 143-моддасига биноан таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ беришнинг имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан, таътилнинг ўн икки кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим.

Энди бевосита саволингизга келсак, қайд этилган кодекснинг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ тўлаши шарт. Бундан келиб чиқадики, сизларни меҳнат йилидаги XI-XII ойлари учун ишлаган даврингизга ҳақиқатда бажарган ишингиз учун ҳақ тўланади, яъни ўртача иш ҳақи эмас, балки штат бўйича маош тўланади.

Савол: Мен 1961 йил ўрта мактабни битказиб 1962 йилгача шу мактабда пионер-вожатий, 1962 йил малака ошириш институтида очилган бир йиллик курсга ўқишга кириб 1963 йилдан Гоголь номли мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишладим.

Рассомчилик фаолиятим 1967 йил 3 майдан бошланган. Рассомчилик билим юртини 1969 йил битириб Ўзбекистон рассомчилик фонди Урганч шаҳридаги бадиий ишлаб чиқариш устахонасида рассом, 1972 йилдан ҳозиргача кичик корхонада ишлаб келмоқдаман. 1999 йилнинг бошидан касалга дучор бўлдим. Шу касаллигим сабабли ногиронлик пенсиясига чиқаришмоқчи. Менинг шароитимда қарилик пенсиясига чиқишим мумкинми?

Ж.Ахмедов.

Жавоб: Сизнинг меҳнат фаолиятингиздаги ишлаган ишларингиз имтиёзли равишда пенсияга чиқиш ҳуқуқини бермайди. Чунки, бу ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатларда ўз аксини топмаган.

Шу сабабли Сиз бугунги кунда ногиронлик нафақасига чиқиб, ёшингиз етганда қарилик пенсиясига ўтишингиз мумкин.

Маҳалланг — отанг - онанг. Бугун биз бу сўзларни ҳар қадамда эшитмоқдамиз. Ҳақ гап. Дарҳақиқат, ота-она назаридан четда қолган фарзандлар ёмон йўлларга кириб кетгани каби ўз фуқароларига эътиборсиз маҳалладан ҳам қут-барака кўтарилади. Шу боис Собир Раҳимов туманидаги «Ғалаба» маҳалласида тарбиявий-ташкилий ишлар уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Суратда: Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Алихўжаев фаоллар билан кенгаш ўтказмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Касаба уюшма ҳаёти

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Хатирчи туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Натижада шу йилнинг ўтган даври мобайнида моддий ёрдамга муҳтож оилаларга 304 минг 400 сўм, боқувчисини йўқотган ногирон болалар учун 410 минг сўм ёрдам пули ажратилди, ишчиларга 266 минг 400 сўм мукофот пули берилди, спорт ишлари учун эса қариб бир миллион сўм сарфланди.

Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, бакувват, баркамол кишилар қилиб тарбиялаш доимий эътиборда бўлмоқда. Шунинг учун ёзги дам олиш оромгоҳларида 300 ўқувчи яйраб, мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Ана шу хайрли мақсад учун сарфланган маблағ 2 миллион 358 минг сўмни ташкил этди.

— Ўтган давр мобайнида меҳнаткашлардан ишга жойлаштириш юзасидан 3 та ариза тушган эди. Уларнинг ҳар учаласи ҳам қаноатлантирилди. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида бу борада қилинаётган ишлар етарли эмас, - дейди қўмита раиси Шуҳрат Тўраев,- қишлоқда - рақобатбардош янги кичик корхоналар ташкил этиш, ишловчиларга янгича билим бериш, уларда кўникма ва малака шакллашишига кўмаклашиш касаба уюшмалари фаолиятини ҳам янги изга кўчиришни тақозо этмоқда.

Ислоҳот йўлидаги ғов

ФЕРМЕРНИНГ ҲАҚЛИ ТАЛАБИ

Хушбоқ Исматуллаевни нафақат қизиқиклар, балки бутун сурхондарёликлар ҳам яхши билишади. Кўринишидан одмигина, эски тўнда юрадиган бу кишини одамлар, туманнинг «архиви» дейишади. Чунки, Хушбоқ ака бир эмас, икки, яъни Бухоро педагогика ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини имтиёзли диплом билан тугатган. Кўп нуфузли идораларда масъул лавозимларда ишлаган.

Бундан беш йил аввал, «Гиламбоб» деҳқон фермерлар хўжалиги уюшмасидан 10 гектар ер олиб, ўша йилнинг ўзида Хушбоқ фермер деб ном чиқарди. 5 гектар ерда ғалла, 5 гектарда пахтадан юқори ҳосил олинди.

Ўтган 1998 йил ҳам ёмон бўлмади. Хушбоқ ака ўзига бириктирилган ер майдонларидан 17 тонна ғалла, 22 тонна пахта топшириб, шартнома режасини ортиғи билан бажарди. Бунинг учун кўп меҳнати сингди. Ўғиллари Эркин, Эргаш, Элмурод, келини Дилшодаларнинг заҳматли меҳнати натижаси яққол кўзга кўринди. Лекин, фермернинг ишини енгилтиш учун техникаси йўқ. Шу боис, дон ва чигитни экишдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олгунча техникани баъзан туман МТПга пул ўтказиб олса, гоҳида йўлида учраган тракторчига ялинади. Техника ёқилғиси, минерал ўғитларни минг азобда топади.

- Фермер хўжалигимизга «Гиламбоб» ширкат хўжалиги 720 минг, «Қизириқ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти толанинг ўтган йилги авансидан 10 фоизини бермай турибди. Бу завод жами 1 миллион сўм пулимизни ҳисоб рақамимизга ўтказмай келяпти, - дейди Исматуллаев.

- Бир фермерни шунчалар азоблаш кимга керак экан, - дейишимиз билан, Исматуллаев тутоқиб кетди.

- Биласизми, фермернинг иши олға кетиши учун раҳбарлар яхши ташкилотчи бўлиши керак. Аммо, уларнинг бу борадаги ишлари ҳозирча замон талабига жавоб бермайди. Натижада керакли минерал ўғитларни вақтида ололмай, хунобимиз ошмоқда. Ўтган йили биргина пахтадан 1 миллион 300 минг сўм даромад қилдим. Аниқ ҳисоб-китоб қилинганда, шундан 700 минг сўм харажатга кетди. 500 минг сўм соф фойда қолди. Лекин, юқорида таъкидланганидек, етиштирилган пахта пулини ҳанузгача тўлиқ ололганимиз йўқ. Боз устига бу йил мавжуд 10 гектарнинг ҳаммасида пахта етиштирилаяпти. Мўлжалимиз ҳар гектар ердан 35 центнердан оқ олтин йиғиштириш. Ана шу ҳосилни нес-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олиш учун ҳам маблағ керак бўлади. Қарздор хўжалик ва пахта заводи эса арзимизга қулоқ солмаяпти. Бу эса ўз навбатида келгуси ишларимиз ривожига тўсиқ бўлаяпти.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Шифокор маслаҳати

ГЕПАТИТДАН САҚЛАНИНГ

Кейинги йилларда аҳоли ўртасида вирусли гепатит кўплаб қайд этилмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу хасталикларнинг А,В,С,Д,Е турлари маълум.

Касаллик ўткир, чўзилган ёки сурункали кўринишда кечиб, енгил, ўртача оғирликда ва оғир ҳолатда кечади. Масалан, вирусли А гепатитида яширин давр 15-45 кунгача давом этса, В гепатитида эса бу 6 ойгача чўзилиши мумкин. Сариқлик даврида беморлар тана ҳароратининг кўтарилиши, иштаҳанинг пасайиши,шамоллаш аломатларининг пайдо бўлиши, кўнгил айниши, қусиш, қорин, бўғимлар, мушакларда оғриқ сезишларидан шикоят қиладилар. Ушбу даврда беморлар касалликни жуда тез юқтирадилар ва ён-веридагилар учун ҳавф туғдирадилар. Одатда ушбу давр 5-7 кун давом этади. Сариқлик пайдо бўлиши билан касалликни келтириб чиқарган вируснинг ажралиши тўхтайди ва деярли улар билан мулоқотда бўлган кишилар учун ҳавф туғдирмайди. Беморнинг териси ва кўз оқи сарғиш тусга киради, пешоби қизариб, ахлати оқаради. Баъзи бир беморлар бу даврда териси қичишиб, қоринда оғриқ сезадилар. Касаллик оғирлигига қараб 2-3 ҳафта давом этгач, бемор аста-секин соғая бошлайди. Айрим беморларда ҳасталик белгисиз, яъни сариқсиз кечади.

Вирусли А гапатити айниқса боғча, мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар орасида кўп учрайди. Хасталикнинг тарқалиш омилларига сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, ифлосланган қўллар ва ҳар куни ишлатиладиган буюмлар сабаб бўлиши мумкин.

Вирусли В гепатитининг келиб чиқишида қон қуйиш, тиббиёт препаратларини муолажа мақсадида қўллаш асосий сабаб бўлади. Бундан ташқари касаллик мулоқот ва бошқа алоқалар орқали ҳам юқиши мумкин. Унинг қўзғатувчиси ҳомиладорлик даврида қориндаги болага ўтиши мумкинлиги исботланган. Ушбу хасталиклар билан асосан бир ёшгача бўлган гўдаклар ва катталар оғрийди. Вирусли В гепатити учун мавсумийлик хос эмас. У қон препаратлари билан ҳизмат бурчларига кўра мулоқотда бўладиган тиббиёт ходимлари орасида ҳам кўпроқ учрайди.

Вирусли А гепатитининг олдини олишда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Болалар муассасаларида қайнатилган сув, етарли миқдорда стакан ва бошқа идишларнинг бўлишини таъминлаш зарур. Айтиб ўтилган ташкилотларда болаларнинг ва хизматчиларнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишларини қатъий назорат қилмоқ зарур. Болалар ва хизматчилар шамоллаш ва заҳарланишга хос шикоятларни қилсалар, уларни албатта текшириб кўриш даркор. Беморда топилган касаллик ўчоғидаги бошқа шахслар 35 кун мобайнида кузатувда бўлмоғи зарур. Касаллик кенг тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш учун аниқланган беморлар тезда шифохоналарга ётқизилиши лозим. Вирус топилган ўчоқларда ҳар кунги ва якунловчи дезинфекция тадбирларини ўз вақтида ўтказмоқлик талаб этилади.

Донорлар вирусли гепатитлар билан оғриган беморлар билан мулоқотда бўлмаганликлари ҳақида маълумотномага эга бўлмоқлари даркор.

Ушбу хасталиклар билан оғриган ҳамма шахслар поликлиникалардаги юқумли касалликлар хоналарида диспансер кузатувига олинадилар. Вирусли В гепатити билан оғриган кишиларга санаторий типидаги шифохоналарда даволаниш тавсия этилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда вирусли А ва В гепатитларининг олдини олишда кўп мамлакатларда ижобий натижа берган вакцина (эмдори) билан профилактик эмлаш тадбирларини амалга ошириш Ўзбекистонда ҳам жорий этилмоқда.

Сирожиддин БОБОХЎЖАЕВ,
эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори.

Англия

OLAMDA NIMA GAP

ТОКИО. Токионинг Икэбукуро тумани кўчаларидан бирида қонли воқеа содир этилди. Кун ярмида, ҳамма тушликка кетаётган бир вақтда пичоқ билан қуролланган шахс йўловчиларга ҳужум қилди. Полиция жиноятчини қўлга олгунга қадар у бир кишини ўлдирди ва етти кишига тан жароҳати етказди. Яраланганлар касалхонага келтирилди. Улардан икки нафарининг аҳволи оғир.

Жиноятчи полицияга исми Хироси Дзода эканини, 23 ёшдалиги ва яқинда ишидан айрилганини айтган. Полиция жиноятчида унинг турар-жойи ва иш манзили ҳақида хеч қандай ҳужжат йўқлиги сабабли бу маълумотларни расман тасдиқлай олмади.

* * *

ТБИЛИСИ. *Рим папаси Иоанн Павел Иккинчи икки кунлик расмий ташриф билан Грузияга келди. Ташриф давомида у Грузия католик патриархи Илия Иккинчи, мамлакат Президенти Эдуард Шеварднадзе ҳамда грузин католиклари билан учрашади.*

Ўтган ойда Грузияга Ватикан Давлат котибининг ўринбосари Жованни Баттиста ташриф буюрган эди. Унинг ташрифи давомида ўтказилган учрашувларда Рим папасининг Грузияга қиладиган ташрифига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинганди.

* * *

ЛОНДОН. Косовода содир этилган кучли портлашлар натижасида икки киши ҳалок бўлди. Лондондан олинган маълумотларга кўра, ҳодиса КФОР халқаро кучларига кирувчи АҚШ тинчликпарварлари назорати остидаги ҳудудда юз берган.

АҚШ ҳарбийларининг маълум қилишича, Жилане қишлоғидан беш километр шимолда содир этилган портлашларда яна тўрт киши жароҳатланган. Улардан бирининг аҳволи оғир.

* * *

ЖАКАРТА. *2 мингга яқин тиморлик қочқинлар яшириниб олган БМТ миссиясига қарашли биноларда оғир аҳвол юзага келди. Маълумотларга кўра, у ерда сув ва озиқ-овқат заҳиралари тугаган. Дили атрофида отишмалар давом этмоқда, ҳар тарафда ёнғинлар авж олган. БМТ миссиясининг Шарқий Тимордан қўчирилиши эҳтимоли янада ортди. Агар шундай бўлса, қочқинлар зўравонлик ва тартиббузарликларни амалга ошираётган жиноятчилар олдида ҳимоясиз қолиб кетади.*

Ҳозир Дилидан Австралиялик фуқаролар ҳамда бошқа хорижликлар олиб чиқиб кетилмоқда.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг «Виаком инк» корпорацияси мамлакатдаги машҳур телекомпаниялардан бири «Си-би-эс» телекомпаниясини 36 миллиард долларга сотиб олди. Эндиликда «Си-би-эс» «Виаком инк» корпорациясига қарашли бўлган «Эм-ти-ви», «Ви-эйч-1» каби телеканаллар, «Парамаунт студиос» компанияси ҳамда «Саймонд энд Шустер» нашриёт уйи қаторидан жой олади. Компания «Виаком» номини олади, лекин телетармоқ ўзининг «Си-би-эс» номини сақлаб қолади.

* * *

АФИНА. *Греция ҳукумати зилзила бўлиб ўтган жойларда шошилинч чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳукуматнинг расмий вакили Димитрис Реппас берган маълумотга қараганда, вайроналарни бартараф этиш ишлари тез кунларда якунланади. Табиий офат натижасида бошпанасиз қолганларга чодирлар етказиб берилмоқда. Умуман олганда, мамлакат ҳукумати иложи борича ёрдамни кечиктирмаяпти. Бундан ташқари, бир неча мамлакатлардан қутқарув гуруҳлари келди.*

Айни пайтда Афинадаги вазият қалтислигича қолмоқда. Ҳамон ерости силкинишлари рўй бераётир. Шаҳар аҳолиси уйлардан ташқарида кун кечираётир.

* * *

МЕХИКО. Мексикада юз берган «Грег» довули оқибатида ўн киши ҳалок бўлди, ўнлаб одамлар дараксиз йўқолди. Довул Тинч океанидаги бир неча портларнинг ёпилишига сабаб бўлди. Соҳилга яқин бўлган аҳоли яшайдиган жойлар сув остида қолди. Жойларда қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Довул энди республиканинг марказий ҳудудларига хавф солиб турибди.

* * *

ПРАГА. *Жанубий Моравиянинг Тржебич шаҳри яқинидаги автомагистралларидан бирида йўловчи автобуси ва юк машинаси тўқнашиб кетди. Натижада юк машинаси ҳайдовчиси ҳалок бўлди ва етти нафар йўловчи оғир яраланди.*

Дастлабки экспертиза маълумотларига кўра, тўқнашув юк машинасининг тормоз тизимидаги носозлик туфайли содир бўлган.

* * *

НАЙРОБИ. Конгода ҳукумат қўшинлари ва Браззавилнинг собиқ мэри Бернар Колели тарафдорлари бўлган қўзғолончилар ўртасида қуролли тўқнашув юз берди. Воқеа содир бўлган жойдан олинган хабарларга кўра, Нгома-Це-Це туманидаги темир йўл кўприги яқинида қўзғолончилар гуруҳи кучайтирилган ҳарбий постга ҳужум қилган. Бироқ, ҳукумат аскарларининг қаттиқ қаршилигига учраган қўзғолончилар гуруҳи катта йўқотишлар билан ортга чекинган.

Маълумки, мазкур темир йўл пойтахтни нефт қазиб чиқариш маркази ва мамлакатнинг асосий порти бўлган Пуэнт-Нуар билан боғлаб туради. Қўзғолончилар аввал ҳам бир неча марта уни издан чиқаришга ҳаракат қилган.

Б.Колели тарафдорлари мамлакатнинг собиқ Президенти Паскал Лиссубуни қўллаб-қувватлаб келади. Ҳозирги кунда эса Конгони 1997 йилда ўз армияси билан П.Лиссубудан давлат раҳбарлигини тортиб олган Дени Сассу-Нгессо бошқармоқда.

(ЎзА)

Спорт

ЧЕМПИОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Андижон давлат университетида, шу даргоҳ талабалари бокс бўйича жаҳон чемпионлари Ўткир Ҳайдаров, Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпионатининг кумуш медали сохиби Тўлқин Турғунов, чемпионатнинг қатнашчиси Сергей Михайловларнинг университет ўқитувчилар ҳамда талабалари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда вилоят спорт қўмитаси раиси Маъмуржон Икромов Андижон бокс мактаби ривожи ҳамда республикамиз спорт шарафини дунёга танитиш учун муносиб ҳисса қўшаётганликлари учун университет жисмоний тарбия ва спорт факултети жамоасига, миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг сўзга чиққан таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Шермухаммад Йўлдошев ғолибларни эришган улкан ютуқлари билан табриклаб, уларнинг ҳар бирига касаба уюшма томонидан республика миқёсида сиҳатгоҳлардан бирига имтиёзли йўлланмалар берилишини маълум қилди. Таниқли боксчилар талабалар ва муаллимларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Учрашув сўнгида дорилфунун ректори чемпионларга ва уларнинг устозлари Марс Қўчқоров, Александр Размахов, Валентин Золотаревларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширди.

Ш.НЕЪМАТОВ

ҒОЛИБЛАРГА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Тошкент вилояти ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган ёшлар, хусусан аёлларни турли спорт мусобақаларига жалб этиб келмоқда. Зеро, ёшларни спортга бўлган қизиқишини орттириш уларнинг соғлом ва жисмонан бақувват бўлишида, маънавий-маърифий тарбияда ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боисдан ҳам тармоқ бошланғич касаба уюшма қўмиталари меҳнаткаш ёшларни спорт билан шуғуллантиришга, турли мусобақалар ташкил этишга кўпроқ жалб этишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Хусусан, яқинда мустақиллигимизнинг саккиз йиллик байрами ва Аёллар йилига бағишлаб Ангрен шаҳридаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўйингоҳида ўтказилган спартакиадада 462 нафар киши иштирок этди. Шулардан 138 нафари аёллардир.

Кескин кураш остида ўтган мусобақаларда Марказий тематик экспедиция бошқаруви очиқ турдаги хиссадорлик жамиятидан А.Тошев ва А.Расуловалар шахмат, «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмасидан Ш.Очилқувватов ҳамда Ангрен давлат иссиқлик электростанциясидан А.Хажамовалар шашка, «Еростигаз» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятидан В.Овасанов ҳамда «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасидан А.Аблаевалар стол тенниси мусобақалари бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

Аёллар волейбол жамоалари ўртасида «Аммофос», эркаклар ўртасида «Электрокимёсаонат» ишлаб чиқариш бирлашмалари биринчи ўринга муносиб деб топилдилар. Мини футбол мусобақаларида эса «Тошкентгеология» корхонаси жамоаси ғолиб бўлди.

Умумжамоа ҳисобида «Ўзбекрезинатехника» биринчи, «Аммофос» ва «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмалари ишчи-хизматчилари иккинчи ва учинчи ўринларни бўлишиб олдилар.

Ғолиблар вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг махсус совринлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Т.РИХСИХЎЖАЕВ,
Тошкент вилояти ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси бўлим мудири.

«ПАХТАКОР» МУХЛИСЛАРНИ РАНЖИТДИ

Мамлакатимиз ўтган йилги чемпиони, севимли «Пахтакор»нинг Қозоғистон экс-чемпионидан («Иртиш» ўтган йилги мамлакат чемпиони «Елимай» ўрнида иштирок этмоқда) 7:0 ҳисобида мағлубиятга учраганини қандай изоҳлашга ҳам ҳайронсан киши. Ҳар қандай мамлакат спорти халқаро учрашувларда, катта майдонлардаги мусобақаларда жиддий синовдан ўтади. Ўшанда у ёки бу жамоанинг кучли ва кучсиз томонлари ойнадек равшан бўлади. Очиғи, ўзбекистонлик мухлислар бу учрашувга катта умид боғлашганди. Муваффақиятга эришиш учун барча асослар бор эди. «Осиё чемпионлари кубоги» баҳсларида футболчиларимиз ўзларини муносиб равишда намойиш этадилар, дея кўп бор гапирилди. Бироқ, афсуски, кутилмаган ҳол юз берди. «Пахтакор» ўйинни ҳар томонлама бой берди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқалари тенг курашлар остида ўтди. Вақт ўтиши билан «Иртиш» жамоаси футболчилари майдонда қатъий ҳаракат қилиб, ташаббусни қўлга олдилар. Кетма-кет ҳужум уюштирила бошланди. Пироварднатижада биринчи бўлимдаёқ «Пахтакор»чилар дарвозасига тўртта тўп киритилди.

Энди ҳамма умид иккинчи бўлимдан эди. Ҳамюртларимиз ўзларини қўлга олиб, дастлабки дақиқалардан фаол ҳужумга ўтиш ўрнига кўп ҳолларда ҳимояга зўр бердилар. Боз устига майдонда бир-бирларини тушуниш, рақибни чалғита оладиган комбинациялар уюштириш борасида ожизлик қилишди. Қайтага қозоғистонлик спортчилар футболчиларимиз хатоларидан фойдаланиб, ҳисобни 7:0 га етказдилар.

Севимли футбол жамоамизнинг нуфузли мусобақада бу даражада бўш ўйнаши ҳали мутахассислар, мураббийлар томонидан чуқур таҳлил этилади. Нима бўлганда ҳам, юқорида қайд этилган, бағоят эътиборли беллашувларга жиддий тайёргарлик кўриш, масъулиятни ҳис этиш, футболимиз шаъни ҳақида жиддий қайғуриш зарур, деган фикрни мухлислар жон қойитиб таъкидлашаётгани бежизмас.

Газаллар

ВАСЛИН ТИЛАБ ШОМУ САҲАР

Кел, эй маҳваш, йиғлама зор, ошиқ гирён бу ердадур,
Шому саҳар йўлинг кутган, соҳибқирон бу ердадур.

Кўйингда ул тун-кечалар бўлди охир девоналар,
Кўрмак ўлсанг ғамхонани, ғаму ҳижрон бу ердадур.

Сендан ўзга дардкаш, ишқ гулшани хазон ўлмиш,
Ёд айласанг висол шомин, ранги сомон бу ердадур.

Ҳижрон куни адоқ бўлмас, пора этмиш кўз гавҳарин,
Умид эрса гар зиёрат, орзу-армон бу ердадур.

Ғайри вафо қалбинг аро васл шамин ёқай десам,
Ғар баҳраманд қилса ул шам, қоши камон бу ердадур.

Хун талабин сўрайди ишқ, ишқ ҳажрида сармаст булбул,
Жон қасдига жазм этган - телба тўфон бу ердадур.

Ранжи қадам этсанг агар, моне бўлса ишқ вафога,
Қадди сарви, руҳи жаннат, арши султон бу ердадур.

Битди сабр, аё дилбар, сўнса ногоҳ нури қамар.
Унут эрсанг Ўктам дардин, билки қурбон бу ердадур.

* * *

Васлин тилаб шому саҳар қилгум хумога илтижо,
Раҳмин сўраб тун-кечалар асли вафога илтижо.

Кимса борму менинг киби чекса кўйида илтижо,
Етказгил, деб оҳу зорим қилгум сабога илтижо.

Лаҳза-лаҳза қонлар ютиб ғамхонаман ҳажрида мен,
Жисму жоним фурқат ўлса қилдим раънога илтижо.

Шунча мушкул ўлди кўрмак у ҳиндуваш жононани,
Мен толесиз ошиқ ҳаргиз қилгум жафога илтижо.

Кўнгил узай десам ёрдан кўнгил узмас кўнгил ундан,
Кўнгил узса мендан кўнгил, чора-балога илтижо.

Бу гулшандан умид узсам, узиб бўлмас ул гулшандан,
Кўргазгил, деб бақо хуснин қилгум худога илтижо.

Бу гулшаннинг илтижоси бўлмас эрса гар мустажо,
Эй Ўктамо, қон йиғлабон қилгил ризога илтижо.

Ўктам ҲАКИМАЛИ.

ПИРИ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

Халқимизда данагидан мағзи ширин, деган гап бор. Тошкент шаҳар Бекобод маҳалласи, Гулистон кўчасидаги хонадонда истиқомат қилувчи 71 ёшли Муҳаррам ая Атаева бугунги кунда 10 нафар фарзанднинг онаси, 70дан ошиқ невара, 7 та чеваранинг меҳрибон бувижониси.

Бу табаррук онахонга, қутлуғ хонадонга ҳамма ҳавас билан қарайди.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Касабақўм ҳомийлигида

ЁШЛАР ОРЗУСИ УШАЛДИ

Озод, обод юртимизда мустақиллик байрами тантаналари зўр шодиёналик билан нишонланди. Меҳнатобод туманининг Ҳамза номли жамоа хўжалигида яшовчи Илҳом ва Гулчеҳра Мамараҳимоваларнинг ҳаётида эса бу кун бир умр энг тотли лаҳзалардан бўлиб қолади. Шу куни уларнинг бахт тўйлари зўр шоду ҳуррамлик билан ўтказилди.

Тўй жамоа хўжалиги касаба уюшмаси ва фермерлар ҳомийлигида ўтди. Висол кечасига турли миллат вакиллари ташриф буюришди. Ёш оилага туман агросаноат ходимлари касаба уюшмаси совғалар тақдим этди. Бундай тадбир биринчи маротаба ўтказилаётгани йўқ. Болаларнинг суннат тўйлари ва бошқа тадбирлар ҳам касабақўм раҳнамолигида ўтаётир.

Мирза ҲАМДАМ.

Ўқинг, қизиқ!

ҲИД ТОРТАДИГАН МАТО

Ўзбек халқининг меҳмон ва қариндош-уруғларни чақириб тўй-томоша ўтказадиган кунлари кўп. Ана шундай кунларда улар ўтирган хоналарда чилим, бошқа нарсаларнинг ҳидини кетказиш амри маҳол.

Янгиликка ўч японияликлар бунинг ҳам йўлини топишибди. Яқинда «Асохи касой» номли кимёвий фирма ажойиб ҳид тортадиган мато кашф қилибди. Ҳозирча бу матолардан дераза пардалари, стол, диван ёпқичлар тикишга киришилган.

Ҳа, ўша янги мато тамаки ҳидини ўзига сингдириб олиб, хона ичидаги ҳавони тоза сақлаш хусусиятига эга экан. Энди японияликлар тамаки компанияларида ишлайдиган ишчилар учун шу матодан кийим тикишмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам бу катта янгилик. Худо хоҳласа, шу мато бизга ҳам етиб келиб, баъзи бир фирмалар тамаки чекувчилар учун махсус костюм-шим тикиб сотишса, бойлигимизга бойлик қўшиларди.

ҲАР ЭЛНИНГ РУСУМИ БОШҚА

Испаниянинг Маяльда шаҳрида қадимдан ўз расм-русуми бор. Уйланиш тўйи бўлаётган ёшларни оёғини осмонга қаратиб, бошларини пастга қаратиб осиб қўйишади. Шу туришда улар узоқ вақт туришар экан. Шундан сўнг улар кўпчилик билан дастурхонга ўтириб, тўйни бошлайдилар.

Индонезиянинг Суматра шаҳрида йигит ўзининг кучли ҳамда сабрли эканини исботлаш учун бўлажак аёлини, яъни севганини ота-онасининг уйидан ўзининг уйигача кўтариб олиб борар экан.

Бразилияда яшайдиган баъзи бир қавмларида қизлар йигитларни ўзлари танлашади. Ҳинду қизи ўзи танлаган йигитига бўтқа олиб келади. Агар йигит бўтқани еб қўйса, унда кўп ўтмай тўй бўлади, бўтқани ярим-ярти еса, унда ҳали ўйлаб кўраман деганни билдиради.

Хитойнинг жанубий-ғарбида яшайдиганларнинг қуда тушиш русмуда йигит танлаган қизига рўмол беради. Қиз жавобан тўқиган оёқ кийимга банан қўшиб берса келишганини, қайтарган совғасининг орасига кўк пиёз қўшиб юборса, келишилмаганини билдиради экан.

Бенгалиянинг Никобор ороли йигитлари уйланмоқчи бўлган қизнинг уйига бориб «қул» бўлади. Ўз ихтиёри билан қуллик хизматини ўташ 6 ойдан бир йилгача чўзилиши мумкин. Шу давр ичида қиз унга турмушга чиқиш-чиқмаслигини маълум қилади. Келишишган тақдирда овул кенгаши қиз билан йигитни эр ва хотин деб эълон қилишади. Келишилмаса йигит уйига қайтади.

Туркиянинг қишлоқ ерларида шу кунга қадар куёвнинг ростакам йигит эканини кўрсатиш мақсадида севган қизининг эшиги олдида кўпчиликни тўплаб олиб, йигитнинг соқол-муртини қириб ташлайди.

Гиёҳвандликка қарши муросасиз курашайлик

Инсон умрининг заволи бўлган гиёҳванд моддаларни сотиш, ташиш билан машғул бўлаётган кишилар шоҳидамас баргида юрадиган кимсалардир. Шу боис, Республика Ички ишлар вазирлигининг мутасадди ходимлари ниҳоятда хушёр туриб, кора оғуни даф қилишга бутун чоралар билан ҳаракат қилмоқдалар. Жорий йил бошидан буён улар томонидан 565 килограммдан зиёд турли хилдаги гиёҳванд моддалар мусодара қилиниб, йўқ қилинди. Аниқланган 5500 дан ортик ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

КАСОФАТ КАСРИ

Сўнгги ойларда мўмай пул топишга муккасидан кетганлар, виждонни унутганлар Ўзбекистон орқали МДҲ ва Европа мамлакатларига касофат моддаларни олиб ўтишга ҳаракат қилишяпти. Масалан, яқинда Ургут тумани, «Қўзибек» жамоа хўжалиги ҳудудида Самарқанднинг Галаосиё қишлоғида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Солиҳ Холматовга қарашли автоулов милиция ходимлари томонидан текширилганида 6 кило қора дори ва 1 кило героин моддаси топилди.

Мақсадга эришишда тезкор тадбирлар алоҳида рол ўйнаяпти. Ички ишлар ходимлари ҳар қандай шароитда ҳам ўта хушёрлик, довюраклик кўрсатиб, касофат касрига берилганлар йўлига қатъий тўсиқ қўйишга эришишмоқда. Термиз тумани «Намуна» хўжалиги ён-атрофида ўтказилган тадбирлар кутилган натижани берди. Устамонлик билан 948 грамм героин моддасини мўлжалланган манзил томон олиб кетаётган Комил Хўжақулов қўлга олинди.

Жиноятчилар орасида Тожикистон фуқаролари ҳам учраб турибди. Душанбе шаҳрида яшовчи Рустам Мансуров Тошкент шаҳридаги Юнусобод бозорида юрганида мутасаддилар назарига тушди. Унинг бежолиги, кимларнидир сўраб-суриштириши бежиз эмасди. Мансуров милиция ходимлари томонидан текширилганида жомадонидан 1 килодан зиёд героин моддаси топилди. Ушбу ҳолат юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Об-ҳаво ноқулай келган кезлар, ярим тунда айниқса, хушёр бўлиш лозим. Боиси, гиёҳфурушлар ана шундай дамларда ҳаракатга тушадилар. Шовот тумани Ички ишлар бўлими Давлат автомобил назорати йўл патрул хизмати ходимлари ярим кечада Худорган Эшчанов бошқариб бораётган енгил автомашинани қувиб бориб тўхтатишди. Ундаги Туркманистон Республикаси фуқароси А.Жуманазаров оғир аҳволда ётган касални кўриш учун шошилаётганлигини важ-карсон қилди. Текширув ўтказилаётганлиги учун норозилик билдирди. Аммо, унинг ёнидан опий гиёҳванд моддаси топилганида нима дейишини билмай, ер чизиб қолди.

Биз хабарларимиздан бирида Бухородаги уюшган жиноий гуруҳ катта миқдорда гиёҳванд моддаси олиб ўтаётган пайтда қўлга олинганлиги ҳақида маълум қилгандик. Улар К.Аббосов, Б.Мадалиев, М.Шарипов, Ё.Исақовлар бўлиб чиқди. Яқинда жиноятчилар устидан суд ҳукми ўқилди. Унинг натижасига кўра, Б.Мадалиев олий жазога, қолган ҳамтовоқлари эса узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Халқимиз қилмиш-қидирмиш, деб бекорга айтмайди.

Ш.РЎЗИЕВ,
милиция капитани.

Тошкент вилоятининг Янги Чиноз ҳудудида замонавий бозор (суратда) Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Бу ерда сотувчи ва харидорга барча қулайликлар яратилган. Бозор теварак-атрофида хусусий савдо расталари жойлашади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0734. 123456